

ҒАЛАБА БАЙРАМИ МУБОРАК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАЛҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 90 (7230).

9 май, 1980 йил

Ж У М А

Баҳоси 2 тийин.

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

35 йил муқаддам жонажон Ватанимиз пойтахти Москва осмонини қамалак рангига янгилаб, минг-минглаб мушаклардан урафшон бўлиб кетди. Бу унутмас мушакбозлик Совет Иттифоқининг гитлерчилар Германияси устидан Улуғ Ватан урушида ғалаба қилганини тўғрисида дунёга хабар берган эди. 9 Майни совет халқи билан бирга қардош социалистик мамлакатлар меҳнаткашлари, бутун тараққиётпарвар инсоният мана 35 йилдирки, катта шодона сифатида байрам қилимоқда. Чунки бу кунги зафар тараққиёт кучларининг реакция қора кучлари устидан, инсонпарварлигининг ваҳшияти устидан, социализмнинг даҳшатли герман фашизми устидан ғалабаси рамзи эди.

Бу йилги ғалаба байрами Ленин юбилейи тантаналарига улашиб кетди. Янгидагина нишонланган доҳий туғилган кунининг 110 йиллиги унинг голлари ҳаётинингнинг, меҳнаткашларнинг Ленин иши ва васиятларига содиқлигининг ёрқин намоишига айланди.

Халқимиз Ленин тузган Коммунистик партия раҳбарлигида ишчилар синфи ва кўчхозин деҳқонларнинг мустақим иттифоқи, мамлакатдаги барча ишчилар ва халқларнинг қардошларига дўстлиги, жангитимизнинг гоявий-сиёсий бирлиги тўғрисида халқимиз совет Күролчи Кучларининг қудратига таянган ҳолда фашизм Ватанимиз устига ёғдирган оғирни бартараф этди.

Бизни буюк ғалабага олиб келган йўл ниҳоятда машаққатли бўлди. Гитлерчилар Германиясини тор-мор этдиш учун тўрт йил давомида—1418 кеча-кундуз оғир, қатъий қанчалар олиб боришга тўғр келди. 20 миллион ватандашларимиз ўз ҳаётини озодлик йўлида қурбон қилди, минглаб шахар ва қишлоқлар харобаларга айланди. Москва остоначиларидаги, Сталинград, Курск яқинидаги улуғ жангларни, Ленинграднинг қаҳрамонона мудоаасини, Совет Армиясининг Беларуссия, Львов—Сандомир, Яссы—Кишинёв, Будапешт, Шарий Пруссия, Висла—Одесс, Вена, Берлин, Прага номи билан болганган машҳур зафарли операцияларини халқимиз ўз хотиротидан асло чиқармайди. Ниҳоят эркинлик кутилган ғалаба кунига етиб келинди. Бизнинг ғалабамиз социалистик Ватанимизнинг улғурворлигини кўрсатди, коммунистик гояларнинг қудратини намоён қилди. Совет ишчиларининг оммавий қаҳрамонлиқига фронтларда жасорат кўрсатганлардан 7 миллион жангитимиз ордени ва медаллар билан мукофотланганлиги, 11603 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлиги ёрқин мисол бўла олади.

Барча совет халқи катори ўзбек халқи ҳам Ватанин мудоаа этдиш йўлида мардлик, жасурлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган ўз улоқлари билан фарзандлар. Биз шонли генераллар Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимов, Муллажон Узоқов, Фахриддин Норғужаев билан, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Усмонов, Эргашев, Бобоев, Умаров, Эшонқулов ва бошқалар билан гурурланишга ҳақликамиз. Улар ажойиб жанговар йўлни босиб ўтдилар, халқ олдидан ватанпарварлиги бурчларини садоқат билан ўтдилар.

Польшадан Гданьск портида шу шахар ҳалоскори, дивизия командири Собир Раҳимов номини хўрмат билан эсга оладилар. Шу портидан Балтика сувига туширилган парохот ўзбек генерали номи билан аталган. Собир Раҳимовнинг азиз номи темир йўл станциясида, қолхозлар, совхозлар, мактаб, кўча, районлар ҳам кўйиб абадилаштирилган. Унинг қаҳрамонона ишлари ҳақида китоблар ёзилган, достонлар тўқилган, кино ва спектакллар яратилган. Номи мангу ўймас бундан қаҳрамонлар бизда талғилана. Ўзбекистонлик жангчилардан 120 миң киши ордени ва медаллар билан мукофотланган, 280 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Тўғри, Ўзбекистон диёрида биронта фашист бомбаси портламаган эди. Аммо тўрт йил давом этган



1945 йил. Берлин. Совет байроғи Рейхстаг устида кўтарилмоқда.

Е. Халдай фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1980 йил, 9 май. № 125. Москва шаҳри.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Пралорщик ва мичман ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!
Армия ва флотнинг ветеранлари, Улуғ Ватан урушнинг қатнашчилари, ўртоқлар!

Бугун Совет халқи ва унинг жангчилари, қардош социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун тараққиётпарвар инсоният фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 35 йиллигини байрам қилмоқдалар.

Қаҳрамон совет халқи ва унинг қуроли кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида сўмас жасорат кўрсатиб, гитлерчилар Германиясини, сўғра эса милитаристлар Япониясини ҳам қатъиятчан мағлубиятга уратдилар.

Уруш йилларида совет кишилари фронтда ва мамлакат ичкарида миссиясиз матонат, ғалабага бўқилмас ирода, оммавий қаҳрамонлик, ўз социалистик ватанига астойдил муҳаббат туйғуларини намоён этдилар, жаҳон империализмининг зарбдор кучларини тор-мор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар.

Улуғ Ватан урушидаги тарихий ғалаба социализм кучларининг яққол кўриниши, совет интиқомий ва давлат тузумининг, социалистик экономиканинг буюк афзалиятлари, ҳаёт қобилияти ва энгилмаслигини, марксизм-ленинизм идеологиясининг тантанасини, совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлигини ва СССР халқларининг дўстлигини кўрсатувчи мисонлари намоён бўлди.

Совет халқининг фашизм устидан қозонган ғалабаси бутун инсониятнинг тақдирига жуда катта революционлаштурувчи таъсир ўтказди. Бу ғалаба Европа халқларини гитлерчилар қўлигидан озод қилди, социализм кучларининг ўсишига, ишчилар ва миллий озоодлик ҳаракатининг қудратли равишда юкселишига, империализм мустамлакичилик системасини барбод этишга қўмақлашди.

Коммунистик партия раҳбарлигидаги халқимиз урушдан кейинги йилларда интиқомий, сиёсий ва маданий қўрқининг ҳамма соҳаларида буюк муваффақиятларга эришди.

Ғалабанинг ўттиз беш йиллигига шонли Ленин юбилейи муносиб бўлибди. Ленин юбилейи ва касбиятлари барча совет кишилари учун Коммунизм ғалабаси йўлидаги курашда битмас-туганмас ижодий ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиб келди ва ҳамisha хизмат қилаверди. Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари каби қуроли кучларининг жангчилари ҳам ўзини беш йиллигининг туталовчи йиллиги партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми тарихий қарорларини бақаришда янги муваффақиятлар билан ишониларга аҳд қилдилар.

Коммунистик партия билан Совет давлати тинчлик программасини амалга ошириш учун сабот билан мизчи курашиб келмоқдалар, кескинликни юмшатиш талпаро муносабатларда етакчи тенденция бўлиб қолгани учун ҳамма ишчи қилмоқдалар.

Бироқ, империализмининг урушқон доиралари дунёда содир бўлаётган иккибўй узармиларга қандай қилиб бўлимаси ҳақиқат беришга интиқом, агрессия кирдиқорларини кучайтирмоқдалар, қуролининг пойгагини аъж олдиқорлар, жаҳон майдониди кучлар исбатини ўз фондасига ўзгартиришга уринмоқдалар. Тинчлик ва социализм ишига душманликдан иборат буюк давлатчилик, гегемончилик сиёсатини ўтказибатган Хитой раҳбарлари империализмининг бевосита гумахтаси бўлиб ҳаракат қилмоқдалар.

Империализмларнинг ёвуз интиқорига исбатан юксак даражада саркам бўлиб турган Коммунистик партия билан Совет ҳукумати, бутун совет халқи ватанимизнинг мудофаа қобилиятини, унинг қуроли кучлари жанговар қудратини мустақамлаш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқдалар.

Қаҳрамонлиқ аънавларига садоқатли Совет жангчилари ўзларининг ҳарбий маҳоратларини сабот билан тақомиллаштирмоқдалар, жанговар шайлини ошмоқдалар, интиқом ва уюшқонлиқни мустақамламоқдалар. Улар коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сийё

«...Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Усмонов, Эргашев, Бобоев, генераллардан Раҳимов, Узоқов, Норхужаевларнинг номлари тарихга ўзбек халқи фарзандларининг ҳарбий шавкат ва шухрати намунаси бўлиб ёзилиб қолади».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Буюк ғалаба байрами кунда биз тилга олмақчи бўлган қаҳрамон умрининг ярим асрдан кўпроғини Совет Армияси сафларида хизмат қилган бағишлаган, оддий солдатликдан генералгача бўлган узоқ, машаққатли йўлни босиб ўтган, салкам эллик йилдан бери шонли Коммунистик партия аъзоси бўлган атоқли ҳарбий арбоблардан-дир.

Файзулла ака Улуғ Ватан уруши бошланганда анча таърибда ортирган номандирлардан бўлиб қолган эди. У моҳирлик билан раҳбарлик қилган батарея Ҳасан кўлида, Монголиянинг Халхин-Гол райони учун бўлган жангларда япон самурайлари устидан ғалаба қозонишга муносиб ҳисса қўшган эди.

1941 йилнинг охири ва 1942 йил бошларида Ўзбекистонда миллий қисмлар ҳамда алоҳида бригадалар тўзилди. Шулардан бири — 94-ўқим бригадига артиллерия бошлиғи этиб ҳеч иккиланмай Файзулла Норхужаев таъинланган. Бу бригада Сталинград остоналарида мардона жанг қилганлиги тарихдан ахши маълум.

Урушнинг оғир давларида халқимиз севилими армияни дахшати кўрол — реактив артиллериянинг стволсиз системалари билан таъминлади. Олов бўлиб чиқиб бориб, душман устига ёғилдиغان бу хил тўплар «Катюша» номи билан машҳур бўлиб кетди. Ана шу гўят мураккаб ва қудратли техникани Норхужаев қомандир бўлган полк жангчилари меҳорат билан ишлатарди.

Талантли қомандир ва унинг тўпчилари жанговар зиянатини Улуғ Ватан урушининг алоҳида қай қилган қўшма тўпчилар тўлими — Олий Бош қўмондон имзо чекикан машҳур буйруқлардан ташқил топган китоб саҳифаларида ҳам кўриш мумкин. Ана

шу буйруқлардан иккитасида ҳамюртимиз номини фахр билан ўқиймиз.

Мана, 1944 йил 2 июлда Олий Бош қўмондон берган буйруқ. Бу армия генерали Черняховский ва Совет Иттифоқи Маршали Рокоссовский-га йўлланган:

«3-Белоруссия fronti кўшилари танк кўшилари Минский шимоли-ғарбидидаги шиддатли ҳужум натижасида Белоруссиянинг область маркази Вилейка шаҳри ва муҳим темир йўл станциясини ҳамда Красное шаҳрини ишғол этдилар. Бу билан кўшилариимиз немисларнинг Минск-

подполковник Норхужаев артиллериячилари ўзини кўрсатганлиги таъкидланган. Эришилган ғалаба шарафига кўшилма ва қисмлар орденлари билан мукофотлашга тақдим этилган. Пойтахт Москвада Ватан номидан салот берилиб, жангчиларга ташаккурнома эълон қилиш айтилган.

Иккинчи бир буйруқ 1-Белоруссия fronti кўшилари қўмондонини, Совет Иттифоқи Маршали Жуков ҳамда фронт штаби бошлиғи генерал-полковник Малинин номига 1945 йил 14 февралда юборилган. 1-Белоруссия fronti кўшилари душман қўрқовидида қолган группировкаси қарши-лигини енгиб, Швайдемюль шаҳрини штурм билан эгалладилар. Швайдемюль — муҳим коммуналқисқа узели ва Помераниянинг шарқий қисмида немис муҳофазасининг кучли таъин пункти эди. Бу

рарди. Танкка қарши қирувчи артиллерия полки фашист танкларини Дейч-Кронин киши-логидан ҳайдаб чиқариш юзасидан муҳим жанговар топшириқ олди. Кенгача бўлган жанглардан сўнг кишлоқ овоз қилинди. Аммо душман чекинишни сира эл қурмасди. Бир неча бор қарши ҳужум уюштирарди. Ана шу ҳужум пайтида жангчиларга бошчилик қилиб турган Файзулла аканинг қўлида снаряд портлади. Порлашдан қосил бўлган ҳаво тўқилишининг зарби қўмондонини бир бини ертўласига улоқтириб ташлади. Бир зумда ҳамма нарсаси ости-устун бўлиб кетди: у беҳуш қилинган эди. Ҳайрат, шифокорлар дарҳол ёрдамга етиб келишди. У кўп ўтмай оёққа туриб, қўрқолдошлари ёнига қайтишга муваффақ бўлди.

Унинг қўмондонлигида

ровск, Минск, Бобруйск, Баранович, Харков ва яна бошқа қанчадан-қанча шаҳарлар овоз қилинди. Ватанимиз унинг кўксига энг олий мукофот — Ленин ордени, тўртта Қизил байроқ, III даражали Суворов ордени ва бошқа жангов



Суратда Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ҳамқишлоқлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик қаршида.

ЭЛ ТАЪЗИМИ

Эл бошига иш тушса — эр йилги чегда турмайди. Яшил либосдаги гўзаллар туллари пушти рағбат тулар бесаган ёл палласида Ватанимиз осмонини уруш тутуни қоплаганлиги ҳақидаги машҳур хабарини эшитган Янгийул районидagi «Коммунизм» колхозининг мард ўғлонлари ҳам тинч, бунёдкорлик меҳнатларини тарк этиб, қўлга қурол олдилар. Колхоздан 700 дан ортиқ киши ҳаёт-мамат жангига отланди. Улар жанг майдонларида Ватанга, партия ва халқ ишига чекис садоқатларини кўрсатишди. Улуғ Ватан урушида иштирок этган 120 дан ортиқ колхозчи жанговар ордена ва медаллар билан таъдирланганлиги жангдошлари кўрсатилган бу мардлик ва қаҳрамонлик нишонларидир.

Ҳужалик отахон ва онахонлари, хотин-қизлар, ўсмирлар урушга кетганлар учун ҳам меҳнат қилишди, фронт оқсанини мустаҳкамлашди. Колхозчилар уруш йилларида муҳофаф фондига туртга юк машинаси, 200 га акрин от, қўлбал савага-салом ва кийим-кечак жўнатдилар. Урушнинг оғир йилларида ҳам ҳужаликда пахта, ғалла етиштириш қўйиб бордин.

Фашистлар Германияси устидан ғалабага оsonликка эришгани йўқ. Ҳужаликдан урушга жўнатилган 320 киши Ватан оқсанини йўлда жонларини фидо этди. Бирок, уларнинг номлари миннатдор аъло қалбда мангу ашайди, кўрсатган жасоратлари асрлар бўйи сўймайди. Колхозчилар Улуғ Ватан урушида халқот бўлган қаҳрамон ҳақиқатларини мақсадида ҳужаликнинг «Социализм» участкасида ёдгорлик барпо этдилар. Кеа, Буюк Ғалабанинг 35 йиллиги арафасида, бу ёдгорлигини тантанали очилиш маросимини ўтказди. Бу ерга қўсчилари жанговар нишонларга тула уруш ветеранлари, колхозчилар, мактаб ўқувчилари тулланган.

Ёдгорлик устидаги ҳарир парда туширилди. Ҳаммадан кўра устида уруш вайронларининг рамзини белгисини асратувчи шохсиз, қўнғар дарахт палласида жотасаро она фарзанди билан намоён бўлади. Ёдгорлигининг чап қисмида эса қўлб совет солдатини қўлида автомат ушлаган ҳолда турибди. Ёйисмон паннога йирик ҳарфлар билан «Ҳеч ким, ҳеч нарсани унутмайсиз» деб ёзиб қўйилган. Унинг остидаги мармар тахтачаларга Улуғ Ватан урушида халқот бўлган шу қишлоқ жангчиларининг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Колхоз партия комитетининг секретари Қ. Қ. Қораёнов ёдгорлик очилишига бағишланган тантанали митингнинг асосий қисмида, республикамиз пойтахтининг Номалум совет қабри олдига мангу оловдан ёндирилган машъа

РЕКЛАМА

ЭЪЛОНЛАР

Узбек Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
9 МАЙ СОАТ 19.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

КАТНАШАДИЛАР:
М. Қорнеқубов номлидаги узбек давлат филармониясининг «ГҒУЗАЛ» АНСАМБЛИ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қорақалпоғистон АССР халқ артисти ГҒУШОД ОТАБОВЕВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ўзбекистон Ленин комсомоли мунофотининг лауреати ҚИЗЛАРХОН ДУСТИМУХАМЕДОВА.
СОЛИСТАР:
ФАХРИДДИН УМАРОВ
Ҳонкайбар ҲАМИДОВ, Ҳасан ҚАРИМОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Гулнара АБЗАМОВА, Ойхон ҚУБОВА, Гулнара ОДИЛОВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанр).

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.
Программи — Ойдин ТОҶИРОВА олиб боради.
«ГҒУЗАЛ» ансамблининг бадиин раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.
Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОВЕВ.
Билетлар концерт зали насасида соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон Давлат филармонияси
Совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозongan ғалабасининг 35 йиллигига бағишланади
9 МАЙ СОАТ 16.00 да

ОҚҚУРҒОН СТАДИОНИДА

ЎЗБЕКИСТОН САН